

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада зиёрат туризмини ривожлантириш механизми келтирилган бўлиб, Қашқадарё вилояти туманлари кесимида маданий мерос объектларининг сони, жойлашиши ва зиёрат объектлари кўрсатиб ўтилган ҳолда, вилоятда зиёрат туризмини ривожлантириш механизми таҳлил қилинган ва уни такомиллаштириш бўйича илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: зиёрат туризми, ташкилий-иқтисодий механизм, туристик хизматлар, туристик объектлар, маданий мерос, туризм инфратузимаси.

Кириш. Мамлакатимизда туризм индустрясини замонавий асосларда барқарор ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда зиёрат туризмини ривожлантириш инновацион инфратузималарни барпо этиш, соҳанинг жозибадорлигини ошириш, туристик салоҳиятдан мақсадли фойдаланиш, кадрлар малакасини замонавий технологиялар асосида ва тизимли ошириш каби тадбирлар юзасидан кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Зиёрат туризмини ривожлантиришнинг амалдаги анъанавий усул ва воситалари асосий сажда қилинадиган муқаддас жойларни жозибали зиёрат дестинацияларга айлантириш, зиёратчилар турли қатламларининг талаб-эҳтиёжларини тўлиқ инобатга олиш, ҳалол туристик хизматлар сифатини ошириш, туристик фаолиятни мажмуали ва кам харажатлар билан юритиш, давлат-хусусий шерикчилиги усул ва воситаларини зиёрат туризмини ташкил қилишда қўллаш, зиёрат туризми фаолиятининг инновацион ва инвестицион фаоллигини ошириш, рақамли зиёрат туризмини ривожлантириш каби кенг қамровли ва самарали имкониятлардан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва ривожлантиришда талаб даражасида фойдаланиш имконини бермаяпти. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун хорижда синалган ва хизмат кўрсатиш соҳасини худудий жиҳатдан самарали ташкил этишга қодир бўлган кластер механизмларини зиёрат туризмини ривожлантиришда қўллаш мақсаддага мувофик бўлади.

Зиёрат туризми бугунги кунда жаҳон иқтисодиётida ўз ўрнига эга бўлиб бораётган соҳалардан биридир. Мамлакатимизнинг қайси шаҳрига ёки дикқатга сазовар жойларига борсангиз албатта туристларга дуч келасиз. Бундай ҳолатнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки уларнинг аксарият қисми хорижий туристларга тўғри келади. Зиёрат туризми иқтисодий жараёнларнинг кенг қамровли соҳасига айланмоқда.

Мазкур масаланинг долзарблиги яна қўйидагилар билан изоҳланади:

- зиёрат туризми иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида келажакда янада юқори суръатлар билан ривожланиши лозимлиги;
- соҳанинг ривожланиши туфайли аҳолини иш билан таъминлаш имкониятининг яратилиши;
- зиёрат туризми соҳасининг жаҳон миқёсида жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгандиги ва ўзимизда ҳам уни янада ривожлантиришга имкониятларнинг мавжудлиги;
- зиёрат туризмiga дунё аҳолисининг қизиқиши ортиб бораётгандиги туфайли хизматларни экспорт қилиш имкониятининг яратилиши;
- аҳоли даромадларининг ошиб бориши, хизматларга бўлган талабнинг кенгайиши, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш имкониятларининг пайдо бўлиши;

➤ Ўзбекистоннинг катта туристик салоҳиятга эга эканлиги, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз шаҳарларининг ЮНЕСКО томонидан эътироф этилганлиги ва ўз навбатида буларга жаҳон ҳамжамияти қизиқишининг ортганлиги.

Бундан ташқари, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ҳозирги шароитида зиёрат туризмининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, давлат ва хусусий бизнеснинг шериклик механизмидан фойдаланган ҳолда зиёрат туризми салоҳиятини оширишни қўллаб-куватлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фикримизча, туристларга хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун белгиланган шароитлардан келиб чиқиб, зиёрат туризми эҳтиёжларини миқдорий жиҳатдан ва сифатли қондира олувчи турли янги инновацион ёндашувларни шакллантирмай ва амалга оширмай туриб, шаҳар ва қишлоқ жойларда зиёрат туризми салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди. Шуларни эътиборга олган ҳолда, республикамиз зиёрат туризми коронавирус пандемиясидан сўнг ўзининг янги ривожланиш босқичини бошлаган, унинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш таъминланаётган ҳозирги шароитда шубҳасиз, Янги Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда зиёрат туризми мустақил бўлган 30 дан ортиқ соҳалар туташган жойда жойлашган бўлиб, уларнинг бу туризмни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси етарли эмас. Шу муносабат билан зиёрат туризми индустрясини шакллантиришга энг катта таъсири кўрсатувчи кўплаб турдош тармоқлар фаолиятини бирлаштириш, ялпи ички маҳсулотда зиёрат туризм улушкини ошириш учун молиявий, кадрлар, инфратузилмавий ва институционал ресурсларни мувофиқлаштиришни таъминлаш зарур. Умуман, зиёрат туризми индустрясини ривожлантиришга ёрдам берувчи омиллар, қолган барча нарсалар тенг бўлган ҳолда, соҳадаги мавжуд муаммолар мажмуасини ҳал этишни таъминлаши ва мамлакатни жаҳон зиёрат туризми харитасида белгилаб бериши керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда зиёрат туризми соҳасини ривожлантириш стратегик вазифа деб тан олинган ва 2025 йилга келиб, мақсадли параметрларга кўра мамлакат ЯИМ таркибида зиёрат туризмининг улушкини 5 % га етказиш мўлжалланган. Буни амалга ошириш учун Республикаизда факат охирги уч йилнинг ўзида қуидаги меъёрий-хукуқий хужжатлар қабул қилинди:

1. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси: зиёрат туризми соҳасини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги роли ва ҳиссасини ошириш, зиёрат туризми хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини ошириш, зиёрат туризми инфратузилмасини кенгайтириш;

2. Ўзбекистон Республикасининг “Зиёрат туризми тўғрисида”ги Қонуни, унда зиёрат туризми соҳасидаги хукуқий, ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий асослар белгилаб берилган;

3. 2019-2025-йилларда Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризми соҳасини ривожлантириш концепцияси: қулай иқтисодий шароитлар ва шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга эришиш, зиёрат туризми соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш, унинг иқтисодиётдаги роли ва ҳиссаси, хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини ошириш, шунингдек, зиёрат туризми инфратузилмасини яхшилаш.

Республикаизда “зиёрат туризми” соҳаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилиб, унга эътибор иқтисодий сиёsat даражасида кўтарилиган. Соҳа ривожи учун зарурий-ташкилий, хукуқий механизм вужудга келтирилиб, хукumat томонидан тегишли меъёрий хужжатлар қабул қилинмоқда. Ушбу меъёрий хужжатлар билан зиёрат туризми соҳасини давлат томонидан қўллаб-куватлаш ҳамда тартибга солиш стратегиялари белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасини қўллаб-кувватлашга оид 2021 йил 24 февралдаги 100-сон “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан ташриф буюувчилар учун шарт-шароитлар яратилиши режалаштирилган туризм салоҳияти юқори бўлган маданий мерос объектлари ва ушбу объектларнинг 2021-2025 йилларда устувор равишда реставрация қилиш Дастури тасдиқланган. Ушбу Дастур асосида қўйидаги зиёрат объектларини босқичма-босқич реставрация қилиш белгиланган.

1-жадвал.

Қашқадарё вилояти Қарши ва Косон туманларидағи зиёрат туризми объектлари¹

Т/р	Зиёратгоҳлар номи	Барпо этилган даври	Манзили
1.	“Ерқўрғон” шаҳристони	I-II аср	Қарши тумани, «Шербек» МФЙ, «Шербек» қишлоғи
2.	“Шуллуктепа II” шаҳристони	VIII — XII асрлар	Қарши тумани, «Кўчкак» МФЙ, «Кўчкак» қишлоғи
3.	“Бурхониддин” масжиди	XVIII аср	Қарши тумани, «Поштон» МФЙ
4.	“Кахлак чоргумбаз” масжиди	XVIII аср	Қарши тумани, «Кахлат» МФЙ
5.	“Хофиз Шерозий” мақбараси	IX аср	Қарши тумани, «Нукробод» МФЙ
6.	“Етти түғ ота” мақбараси	XIX аср	Қарши тумани, «Потрон» МФЙ
7.	“Косон Чор гумбаз” масжиди	XIV аср	Косон тумани, «Нартичукур» МФЙ

Қашқадарё вилоятининг бетакрор табиати намоёндаси бўлган тоғли ҳудудларида туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. Бугунги кунда соҳада фаолият кўрсатувчи персоналнинг тайёргарлик даражаси, кўрсатилаётган хизматлар сифат даражаси юқори, аммо хорижий мамлакатлардаги туризмга оид стандартлар даражасига етиш учун соҳани янада ривожлантириш зарур бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг Қашқадарё вилояти туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2021 йил 1 мартағи “Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини янада қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 112-сон Қарори билан вилоятнинг туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, вилоятдаги муҳандислик-коммуникация тармоқларидағи мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шунингдек кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳузурида бюджетдан ташқари туризмни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма маблағлари қўйидаги мақсадларда сарфланиши белгилаб қўйилди:

- туризм салоҳиятига эга ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тартибга келтириш;
- туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, модернизация қилиш ишларини олиб бориш ва ободонлаштириш;
- оиласвий меҳмон уйларини ташкил қилиш харажатларининг бир қисмини субсидиялаш;
- туризм зоналарининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойихаларини тайёрлаш, туризм кўчаларини ташкил этиш;
- моддий маданий мерос объектларини консервация ва реставрация қилиш;

¹ Муаллиф томонидан тайёрланган

- маҳсус пиёдалар ва велосипед йўлакларини яратиш;
- туризм тарғиботи ишларини ташкиллаштириш;
- Шаҳрисабз туризм ва сервис коллежини таъмирлаш.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг зиёрат туризми йўналишидаги улкан салоҳиятидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд маданий меросга қардош миллат ва элатларни кенг жалб қилиш, ёш авлоднинг халқларимиз тарихи ва миллий-маданий меросига меҳрини ошириш, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, умумтуркий маданий меросни биргаликда дунёга тарғиб қилиш, бозорнинг турли сегментларига йўналтирилган сайёхлик маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мақбул ҳолда қулай ички ва ҳалқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш кабилар мақсад қилиб олинди.

Қашқадарё вилоятининг зиёрат туризми йўналишидаги улкан салоҳиятидан келиб чиқиб, ундаги мавжуд маданий-мерос обьектларини кенг жалб қилиш, ёш авлоднинг халқларимиз тарихи ва миллий-маданий меросига меҳрини ошириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мақбул ҳолда қулай ички ва ҳалқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш масалалари ҳозирги кунда долзарб бўлиб ҳисобланади.

Мазкур мақсад доирасидаги вазифаларни бажаришда зиёрат туризмини жадал ривожлантириш, бу туризмнинг янги маршрутларини ишлаб чиқиш, зиёрат туризми обьектлари жозибадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Бугунги кунда жаҳондаги туристик обьектларнинг 90 фоизидан ортиғи бевосита ёки билвосита сигиниш ёки дин билан алоқадор. Ушбу стратегик вазифани муваффакиятли бажариш учун хорижда синалган, туризм соҳасини ҳудудий жиҳатдан самарали ташкил этиш ва хизмат кўрсатувчи субъектларининг қўшилган қиймат занжири билан боғланишини таъминлашга қодир бўлган кластер ёндашувида зиёрат туризмини ривожлантириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Туризм салоҳиятини ошириш муаммосининг айрим йўналишлари бўйича илмий-назарий ва амалий масалаларни ишлаб чиқишига А.А.Эштаев[1], А.М.Абдувоҳидов[2], М.Т.Алимова[3], Е.В.Голишева[4], С.Нурматова[5], С.Р.Сафаева[6], Б.Х.Тураев[7], О.Ҳ.Ҳамидов[8] ва бошқа мамлакатимиз олимлари муносаб хисса қўшиб келмоқдалар.

Мазкур илмий ишларни тавсифловчи ўзига хослик шундаки, аксарият муаллифлар унинг асосий функционал мақсади сифатида туризм инфратузилмаси обьектлари ва туризм маҳсулотига талабни таъминлаш нуқтаи назаридан эътибор қаратган ва кўриб чиқсан ҳолда, туризм салоҳияти тушунчасига турли хил маъноларни киритадилар.

Туризм салоҳиятидан фойдаланиш ва ривожлантиришга бағишлиланган кўплаб ишларнинг мавжудлигига қарамай, турли тавсиф, турли инқирозли ҳодисалар, жумладан, янада ривожланишига ёндашувлар, шунингдек, бундай мураккаб шароитларда туризмнинг ривожланиши ва унинг салоҳиятига таъсир этувчи омилларни моделлаштириш мавжуд эмас, бу эса ушбу тадқиқотнинг долзарблигини асослаб беради.

Айни пайтда зиёрат туризмни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам масалага жиддий ёндашган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида зиёрат туризмни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш истиқболларини белгилашда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, монографик баён, мантиқий ва иқтисодий-статистик таҳлил, моделлаштириш, тақкослаш, статистик маълумотларни гурухлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракция ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган ва улар бўйича қизгин ишлар амалга

оширилмоқда. Бунга Қашқадарё вилоятининг хусусиятларидан, мавжуд туристик ресурсларидан келиб чиқкан ҳолда ёндошилмоқда.

Қашқадарё вилоятида зиёрат туризми объектларидан орасида энг кўп ташриф буюриладиган жой Оқсарой мажмуаси, Кўкгумбаз масжиди, Амир Темур кичик ғори, Ҳазрати Башир мақбараси, Ҳазрати Султон мақбараси, Абу Муъин Насафий ва Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ ёдгорлик мажмуалари ҳисобланади. Ушбу зиёрат объектларига 2023 йилда 1398 нафар зиёратчи ташриф буюрган. Бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 2 бараварга қисқарган. Бунинг асосий сабаби COVID-19 коронавирус пандемияси ва зиёрат туризми инфратузилмасининг кам ривожланганлигидир.

Шуни қайд этиш лозимки Ўзбекистон Республикаси зиёрат туризмидаги Қашқадарё вилоятининг улуши 2019 йилдаги 2,5 %дан 2023 йилда 4,5 % га ошган, бу ҳолат зиёрат туризми объектлари маълумотлар базасининг йўқлиги, зиёрат туризмининг паст даражада ривожланганлиги ва узоқ жойларда жойлашганлиги билан боғлиқ.

Шу сабабли бизнинг фикримизча, Қашқадарё вилояти зиёрат туризми кластерини яратиш, зиёратчилар учун “Йўл ҳаритаси”ни ишлаб чиқиши ва энг арzon зиёрат туризми маршрутларини ишлаб чиқишимиз лозим. Ушбу вазифани амалга ошириш Қашқадарё вилоятида зиёрат учун ташриф буюрувчилар оқимини кўпайтириши ва шу асосда вилоят иқтисодиётiga қўшимча даромад келтириши мумкин. Бу эса,

Биринчидан, вилоят инфратузилмасининг яхшиланишга олиб келади боради (Йўл, транспорт-коммуникация, сув, меҳмонхона, меҳмонларни жойлаштириш объектлари ва бошқалар)

Иккинчидан, Қашқадарё вилояти туманларида қўшимча иш жойларини очиш эвазига ахолини иш билан таъминлаш даражаси ва даромадларини ошириш ҳисобига вилоят ахолисининг турмуш даражаси яхшиланади.

Учинчидан, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрувчиларнинг янада кўпайишига олиб келади ва айрим зиёрат объектларига хорижий инвестицияларни киритиш имконини беради.

1-жадвал маълумотларида зиёрат туризми учун ташриф буюрувчиларнинг жойлашиш ҳолати бўйича З тоифада, яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари зиёратчилари, МДҲ мамлакатлари зиёратчилари ва узоқ хориж давлатларидан ташриф буюрувчи зиёратчилар кўрсатилган.

Ташриф буюрувчи зиёратчиларнинг қай даражада сифатли, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхоналар, хостеллар ва хонадонларда жойлашиши зиёрат туризмининг келгуси истиқболини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019 йилда 105221 нафар зиёратчилар ташриф буюришган. Шундан Ўзбекистон Республикаси зиёратчилари 54,6 фоизни, МДҲ мамлакатлари зиёратчилари 12,2 фоизни ва узоқ хориж давлатлари зиёратчилари 33,2 фоизни ташкил этади. Шу жумладан, Қашқадарё вилоятида мутаносиб равишда 53,2, 8,4 ва 38,4 фоизни ташкил этиб, жами ташриф буюрган зиёратчиларнинг Қашқадарё вилоятидаги улуши 2,5 фоизга тўғри келади (2-жадвал).

Бу кўрсаткичлар йиллар давомида ўзгариб борган. Бунинг асосий сабаби 2020-2021 йилларда Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида кейинги йилларда зиёратчиларнинг ташрифи вилоятда камайиб борган.

Шуни қайд этишимиз лозимки, 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича зиёрат туризми бўйича ташриф буюрувчилар 2019 йилга нисбатан 31,7 фоизга, шу жумладан, Қашқадарё вилояти бўйича 52,5 фоизга камайган.

2-жадвал

**Қашқадарё вилоятига зиёрат мақсадида ташриф буюрувчиларнинг жойлашиш
холати¹**

Т/Р	Кўрсаткичлар	Йиллар					2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши (%)
		2019	2020	2021	2022	2023	
Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича ташриф буюрган зиёратчилар:							
1.	Ўзбекистон Республикасидан	57452	28022	19270	21197	23741	41,3
2.	МДХ мамлакатларидан	12881	4626	1988	2189	2452	19,0
3.	Узоқ хориж давлатларидан	34888	9534	5787	6368	7133	20,4
4.	ЖАМИ	105221	42182	27045	29754	33326	31,7
Қашқадарё вилояти худудига ташриф буюрган зиёратчилар:							
1.	Ўзбекистон Республикасидан	1416	177	1065	1162	1289	91,0
2.	МДХ мамлакатларидан	224	47	10	12	14	6,3
3.	Узоқ хориж давлатларидан	1021	0	76	85	95	9,3
4.	ЖАМИ	2661	224	1151	1259	1398	52,5
5.	Ташриф буюрувчи зиёратчиларнинг Қашқадарё вилоятидаги улуши (%) да	<i>2,5</i>	<i>0,5</i>	<i>4,3</i>	<i>4,2</i>	<i>4,2</i>	<i>*</i>

Қашқадарё вилоятида зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида қуидаги ишларни амалга оширишимиз лозим:

➤ Қашқадарё вилоятида зиёрат туризми инфратузилмасини яратиш орқали, яъни, меҳмонхона, кемпинг, мотел, тематик парк, музей, галерея ва бошқа туристларни қабул қиласидан ва жойлаштирадиган жойларни кўпайтиришни тақозо қиласидан;

➤ сайёҳлар учун зиёрат туризми хизматлари самараодорлиги ва сифатини ошириш мақсадида хорижий тажрибаларни ўрганиш ва зиёрат туризми соҳасида етакчи бўлган давлатлар тажрибаларини ўрганиш лозимдир;

➤ сайёҳларга мўлжалланган обьектларни мухандислик-коммуникация тармоқларига улаш масаласи ҳам жаҳон тажрибасига таянган ҳолда халқаро талабларга жавоб бериши лозим;

➤ Қашқадарё вилоятидаги барча маданий мерос обьектлари ва музейларида "SMART" технологияларини жорий этиш лозим;

➤ хорижий сайёҳларни қабул килишга тайёрлаш, уларга тунги вақтда фаолият кўрсатишига рухсат бериш тартибини ўрнатиш мақсадида ресторонларни хатловдан ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ, чунки мавжуд ресторанларнинг ҳаммасига хорижий меҳмонларни қўйиб бўлмайди ва тунги вақтда фаолиятини таъминлаш бир қанча қўшимча хизматларни ҳам талаб қилишини ҳам таъминлаш зарур;

¹ Муаллиф томонидан ҳисоб китоб қилинган.

➤ Қашқадарё вилоятига хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг ташриф кунларини узайтиришга хизмат қиласиган шаҳар ва вилоят туманларида янги тематик паркларни барпо этиш лозим бўлади;

➤ сайёҳларга миллий анъаналаримиздан тортиб, вилоятда музей сифатидаги кўргазмалар, жумладан пахта, атлас, керамика, миллий услубдаги тақинчоқлар, хунармандчилик, мева-сабзавот маҳсулотлари, қовун навлари, тухумли овқатлар турлари бўйича ўзига хос, бетақрор туристик обьектларни ташкил лозим бўлади;

➤ Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида этно-экологик ва агро зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида, соҳил бўйларига ўтовлар, турли миллий мазмундаги меҳмонхоналар қуриш, сайд қиласиган боғлар барпо этиш, соҳилда бассейнлар ташкил этиш, миллий таомлар ресторонлари ва кафеларини ишга тушириш, соҳил бўйининг биохилма-хиллиги ва ландшафтини тасвирга тушириш бўйича ижод қиласиган шоҳобчаларни ташкил этиш, сунъий шаршараларни яратиш бўйича аниқ манзилли лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, амалга оширилишини таъминлаш лозим.

Қашқадарё вилоятига келган хорижий туристлар миллий анъаналарини, яшаш шароитларини кўришни жуда хоҳлашади. Ушбу масала бўйича сўровнома ўтказилган 89 нафар хорижий туристлардан олинган натижалар қуидагича бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Хорижий туристлардан қаерда яшашни хоҳлаши бўйича олинган сўровнома натижалари¹

Т/р	Қаерда яшашни хоҳлайсиз? Сўровнома саволлари	Жавоблар сони, киши	Улуши,%
1.	Карши шаҳридаги меҳмонхоналарда	56	63
2.	Қашқадарё вилоятидаги туристик обьектлари бор жойлардаги меҳмонхоналарда	11	12
3.	Қашқадарё вилоятидаги экологик туристик обьекти бор меҳмонхоналарда	3	3
4.	Меҳмонларни кутишга мўлжалланган Қашқадарё вилоятидаги меҳмон уйларида	2	2
5.	Мен учун қаерда тунашнинг аҳамияти йўқ	5	7
6.	Хавфсизлиги таъминланган туроператорлар тавсия қилган жойда	12	13
ЖАМИ		89	100

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хорижий туристларнинг асосий қисми, яъни 63,0 % Қашқадарё вилоятидаги меҳмон-хоналарда, 12,0 % тарихий-маданий туристик обьектлари бор жойлардаги меҳмонхоналарда, 15 % эса хавфсизлиги таъминланган туроператорлар тавсия қилган жойларда тунашни хоҳлайди.

Уларнинг бир қисми албатта экологик манзарали жойларда яшашга ҳам истак билдирганлар ва уларнинг улуши 5,0 % ни ташкил қиласи.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, мазкур илмий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши зиёрат туризмининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди ва самараадорлигини оширади, янги иш ўринларини ташкил қилиш эвазига бандлик муаммосини ҳал қилиб, ижтимоий муаммоларнинг ҳам ечимиға хизмат қилиш имкониятларини яратади.

Хулоса ва таклифлар. Зиёрат туризми бўйича Қашқадарё вилоятининг туман (шахар)лари ҳам ўзига хос хусусият ва йўналишларга эга. Шу туфайли илмий тавсияларимизни биринчи галда, ушбу худудга мос тарзда ишлаб чиқишни мақсадга

¹Карши шаҳрига ташриф буюрган хорижий меҳмонлардан 2023 йил май-август ойларида ўтказилган сўровномалар асосида муаллиф томонидан хисоб-китоб қилинган.

мувофиқ, деб топдик. Бунда зиёрат туризмини ривожлантириш учун бир қанча механизмлардан фойдаланиш зарур:

- Зиёрат туризми соҳаси қўйидаги иқтисодий вазифаларни бажаради:
 - туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширади;
 - ахолини иш билан таъминлаш орқали бандлик муаммосини ҳал қиласди;
 - миллий даромадни яратишда иштирок этади;
 - минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди;
 - мамлакат тўлов балансини барқарорлаштиришда иштирок этади;
 - мамлакатда тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида ҳам муҳим роль ўйнайди.
- Зиёрат туризми соҳаси билан шуғулланадиган аҳоли қатламигининг алоҳида гурухлари бўйича иштироки қўйидаги йўналишларда тавсифланиши асосланди:
 - зиёрат туризми соҳасида бевосита банд бўлган аҳоли;
 - зиёрат туризми соҳасида билвосита банд аҳоли;
 - зиёрат туризми соҳасига ўз жойида туриб хизмат қилувчи соҳаларда фаолият кўрсатадиган аҳоли;
 - вилоятдаги асосан маҳаллий аҳоли ташриф буюриб, зиёрат қилишадиган авлиёлар, улуғлар қабрлари ва бошқа масканларни тўлиқ қайта хатловдан ўтказиши;
 - юртимиз соҳа олимлари томонидан зиёрат обьектларни ўрганиш орқали жаҳон эътиборига маълум қилиш;
 - зиёрат туризми инфратузилмасини яхшилаш, уларни янада кучайтириши;
 - зиёрат туризми хизматлари самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш;
 - зиёрат туризмига мўлжалланган обьектларни мухандислик-коммуникация тармоқларига улаш;
 - маданий мерос обьектлари ва музейларда “SMART” технологиясини жорий этиши;
 - ушбу масканларни хорижий сайёҳларни қабул қилишга тайёрлаш, уларга тунги вақтда фаолият кўрсатишига руҳсат бериш тартибини ўрнатиши мақсадида ресторанларни хатловдан ўтказиши;
 - зиёратгоҳларда туристларга миллий анъаналаримиздан тортиб, миллий таомларимиз ва бошқа миллий қадриятларимизни кўрсатадиган шароитни яратиши;
 - туристик хизмат кўрсатишда хусусий тадбиркорликни кенг жалб қилиш, зиёрат масканлари жойлашган худудларга яқин жойларда уй меҳмонхоналарини ташкил этиши;
 - туристлар ташриф буюрадиган зиёрат масканларида зиёратгоҳ тарихини тарғиб этувчи маҳсулотлар сотилишини ташкил этиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Alimova M.T. Hududiy turizm bozorining rivojlanish xususiyatlari va tendensiyalari (Samarqand viloyati misolida): iqtisodiyot fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – S.: SamISI, 2017. - 265 b.;
2. Голышева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Т., 2012. – 25 с.;
3. Жалолиддинова Х., Нурматова С. Туризм в Узбекистане после COVID-19. //Научно-электронный журнал “Экономические и инновационные технологии”, 2021. - № 1 (январь-февраль). – С. 333-341;
4. Safarova N.N. Iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga turizm sohasi ta'sirini baholash usullarini takomillashtirish: i.f.d.. dokt. dissertatsiya avtoref. – Tashkent, 2018;
5. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов управления региональным туризмом: Автореф... докт. экон. наук. – Т., 2011. – 52 с.;